

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Жаҳонгиров Б.Б.

ЎзДЖТСУ, “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий ва
табiiй – илмiiй фанлар”
кафедраси профессори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг Марказий осiiё мамлакатлари билан иқтисодiiй, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳадаги ҳамкорлик алоқалари, фикр юритилиши билан бирга, Ўзбекистоннинг бугунги кунда Марказий Осiiёдаги иқтисодiiй, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, мафкуравий жараёнларни барқарорлаштирувчи давлат сифатида ўз фаолиятини олиб бориши натижасида Марказий Осiiёда давлатлараро муносабатларнинг янги тизими шаклланиши, Ўзбекистоннинг эса ушбу тизимда турли хил йўналишлар бўйича юқори фаолликни намoён қилаётгани, натижада, минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сезиларли соғломлашиш белгилари яққол кўзга ташланаётгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Марказий Осiiё, мамлакат, иқтисодiiй, ижтимоий, сиёсий, маданий, мафкуравий, ҳамкорлик алоқалари, давлат, муносабат, техника, таълим, фан-техника.

COOPERATION RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH CENTRAL ASIA COUNTRIES

Jahangirov B.B.

UzJTSU, “Sports Law, Social and
Department of Natural and Scientific Sciences, Professor

ABSTRACT

In this article, along with the economic, social, political and cultural ties of cooperation between Uzbekistan and the countries of Central Asia, as a result of the activities of Uzbekistan as a country stabilizing economic, socio-political, spiritual, cultural and ideological processes in Central Asia today, the formation of a new system of interstate relations, as well as the fact that Uzbekistan is highly active in this system in various areas, as a result, signs of a significant improvement in relations between the countries of the region are clearly visible.

Key words: Uzbekistan, Central Asia, country, economic, social, political, cultural, ideological, cooperation relations, state, attitude, technology, education, science and technology.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақалараро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласи бугунги кунда ташқи сиёсатдаги муҳим масаладир. Ўзбекистонда ҳозирги даврда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги энг муҳим устувор йўналишлар-давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни яратмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ғоясидан иборат кун тартибидан илгари сурмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиёдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, мафкуравий жараёнларни барқарорлаштирувчи давлат сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Марказий Осиёда давлатлараро муносабатларнинг янги тизими шаклланиб, Ўзбекистон ушбу тизимда турли хил йўналишлар бўйича юқори фаолликни намоён қилмоқда. Натижада минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сезиларли соғломлашиш белгилари яққол кўзга ташланмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистоннинг кўшни давлатлар билан яхши кўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни, шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасида транспорт ва логистикаси соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш борасидаги амалий ишлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир, Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади, Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси каби асарлари билан бирга ҳар йил якунида Олий Мажлис депутатларига Мурожаатномаларида келтирилган материаллар, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий архиви, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви ва А.Қирғизбоев, Б.Жаҳонгровларнинг бу соҳадаги адабиётлари таҳлил қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Марказий Осиёнинг Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналиш сифатида қаралишига тurtки бераётган, минтақа давлатларига хос бўлган муштарак омиллардан қуйидагиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

-минтақа давлатларининг жўғрофий жойлашуви ва хусусан, Ўзбекистоннинг минтақа марказидан ўрин олгани ва уларнинг барчаси билан чегарадошлиги;

-миллий, маданий, диний ва ижтимоий-иқтисодий қадриятларнинг ўхшаш ва яқинлиги;

-умумий транспорт ва энергетика коммуникацияларининг мавжудлиги;

-минтақадаги сув ресурсларининг ўзаро оқилона тақсимоти;

-минтақада экологик, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларининг умумийлиги. [1]

Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтди, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича кўп томонлама ҳаракатларга фаол қўшилди. Ўзбекистон Сурхон-Пули-Хумри электр узатиш линияси ва “Термиз-МозориШариф- Пешовар” темир йўл қурилиши йирик лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Термизда Афғонистон фуқаролари учун Таълим маркази очилиб, ҳозирги даврда афғонистонлик талабалар ушбу Таълим марказини битириб, улардан айримлари Афғонистон парламентида, вазирликлари ва муассасаларида ишламоқда, мамлакат олий таълим муассасаларида муаллимлик қилмоқда, мустақил бизнесни юритмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди. Мамлакатларимиз Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, “Барқарор ривожланиш учун сув” ҳаракатлари, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси каби халқаро ҳужжатларни имзоладилар.

2021 йил январь-апрель ойларида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоиз ўсди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг умумий товар айланмасида Марказий Осиё мамлакатлари улуши 17, 2 фоиз ортди. Бу мамлакатимизда ички минтақавий савдо-сотиқнинг кенгайганидан далолат беради. [2]

Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон улуши Ўзбекистон товар айланмасининг энг катта ҳажмига эга. 2020 йилда Ўзбекистон билан минтақавий товар айланмасида Қозоғистоннинг улуши 61, Қирғизистонники 18,2, Туркманистон улуши 10,6, Тожикистон улуши эса 10,1 фоизни ташкил этди. [4]

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасинг энг асосий кўрсаткичи экспорт ҳажми бўлиб, бунда экспорт қилинаётган товарларнинг чет

эл бозорларида кириб бориш имкониятларни ҳамда уларнинг рақобатбардошлик даражасини кўрсатади.

2016 йилдан 2019 йилгача Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига экспорти қарийб 2 баробардан ёки 1,3 миллиард доллардан 2,5 миллиард долларгача ва Ўзбекистон умумий экспортида Марказий Осиё давлатлари улуши 10,8 дан 14,5 фоизга ўсди. Шунингдек, экспорт ҳажми Қозоғистонга -1,5, Қирғизистонга-5,5, Тожикистонга-2, Туркманистонга 1,8 баравар ошди.

Коронавирус пандемиясига қарамай, 2020 йилда Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт мос равишда 13 ҳамда 23,5 фоиз кўпайди. 2021 йилнинг январь-апрель ойлари яқунларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларига экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоиз ошди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг умумий экспортида Марказий Осиё давлатлари улуши сезиларли -19,9 фоиз ошди, яъни экспортнинг деярли бешдан бир қисми минтақа мамлакатларига тўғри келди. [3]

Марказий Осиё мамлакатларига асосан қайта ишлаш саноатининг тайёр маҳсулотлари экспорт қилинишини ҳисобга олсак, етказиб бериладиган хомашё экспортини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам минтақа давлатларининг умумий экспорт ҳажмидаги улуши анча юқори бўлади.

2020 йил яқунларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларига 454 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёки соҳадаги умумий экспортнинг 45 фоизи, 365 миллион долларлик тўқимачилик товарлари ёки ушбу маҳсулотлар умумий экспортининг 20 фоизи етказиб берилди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатларига қарийб 150 миллион долларлик енгил автомобиллар экспорт қилинган, бу эса барча автомобиллар экспортнинг 85 фоизидан ортиқдир. Шу жумладан, Марказий Осиё давлатлар ичида енгил автомобиллар экспорт улушининг асосий қисми Қозоғистонга тўғри келди. [5]

Шунингдек, экспорт қилинаётган электротехника маҳсулотларининг 20 фоизга яқини Марказий Осиё мамлакатларига етказиб берилмоқда ва минтақа бозорлари айрим товар позициялари, хусусан, маиший техника учун «қайноқ манзил» ҳисобланади.

Масалан, 2020 йилда маҳаллий «Artel» компанияси маҳсулотларининг Қозоғистон ва Қирғизистондаги ярим автоматик кир ювиш машиналари бозоридаги улуши 50, Тожикистонда 70 фоизга, ошхона плиталари учун: Қозоғистондаги улуши 65, Қирғизистондаги улуши 20 фоизга, сув иситгичлар учун: Тожикистондаги улуши 58, Қозоғистондаги улуши 37 фоизга етди. [3]

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари бозорларига экспорт қилиш ҳажмини янада ошириш истиқболлари улкан. Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда

минтақа давлатларининг умумий ташқи савдо айланмаси 142,6 миллиард долларни ташкил этди, шундан 12,7 миллиард доллари ёки 8,9 фоизи ички минтақавий савдо улушидир. Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатларининг хомашё экспортини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам фойдали қазилма ҳисобланмайдиган товарлар учун минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо улуши анча юқори бўлади. [6]

Шунингдек, ички минтақавий савдо ҳажмини, айниқса, тайёр маҳсулотлар ҳисобига ошириш улкан истиқболга эга, деб ҳисобланмоқда. Халқаро савдо маркази методологияси бўйича қилинган ҳисоб-китоблар Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро савдода 1,1 миллиард доллар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари борасида 530 миллион, кимё саноатида 180 миллион, металлургия саноатида 120 миллион, енгил саноат товарлари борасида 110 миллион долларлик амалга оширилмаган экспорт салоҳияти мавжудлигини кўрсатди. [7]

Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё мамлакатларига 600 миллион доллардан кўпроқ, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича 350 миллион, енгил саноат маҳсулотлари бўйича 90 миллион, кимёвий маҳсулотлар бўйича 80 миллион долларлик ҳамда металлургия маҳсулотлари бўйича 48 миллион долларлик амалга оширилмаган экспорт салоҳиятига эга. VCG халқаро консалтинг компанияси ҳисоботида кўра, кейинги 10 йил давомида Марказий Осиёнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти 170 миллиард долларни ташкил этади.

Марказий Осиё мамлакатларининг инвестицион жозибadorлиги ошиши билан Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан инвестицион ҳамкорлиги ҳам кенгайиб бормоқда. Масалан, сўнгги йилларда Қозоғистон капитали иштирокида Ўзбекистонда рўйхатга олинган корхоналар сони 856 тадан 999 тага, Қирғизистон корхоналари 169 тадан 217 тага, Тожикистонники 171 тадан 205 тага, Туркменистон корхоналари эса 155 тадан 159 тага кўпайди. [4]

Ўзбекистон сармоялари ҳам Марказий Осиё давлатларида фаол иштирок эта бошлади. Масалан, Тожикистонда маиший электроника ишлаб чиқариш бўйича «Артел Авесто Электроникс» қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Трансформатор ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар тузиш режалаштирилмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган келишувлар асосида ташкил этиладиган Ўзбек-қирғиз инвестицион жамғармаси ва Ўзбек-тожик инвестицион компанияси маблағлари инвестицион ҳамкорликнинг янги шакли сифатида ҳамкорликдаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади. [8]

Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасидаги «[Ғишткўприк](#)» чегара божхона пости ҳудудида Марказий Осиё халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик маркази қурилиши бошланиб, у икки давлатнинг ҳамкорликдаги инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун йирик саноат ва савдо-логистика майдонига айланади. Марказ 400 гектар майдонни эгаллайди ва у бир кеча-кундузда иккала йўналишда 35 минг одам ва 5 мингта юк автомобиллини ўтказиш қобилиятига эга бўлади. [9]

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги ривожини транспорт соҳасида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, минтақада халқаро транспорт йўлаги ва инфратузилмасини шакллантириш минтақа давлатларининг экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорларига етказишда транспорт харажатлари пасайишига имконият яратади. Ўзбекистон учун ишончли ва хавфсиз транспорт йўналишларини йўлга қўйиш ўта муҳим масала. Чунки маҳсулотларни очиқ денгиз портларига етказиб бериш учун юк ташувчиларимиз исталган йўналишда камида иккита мамлакат ҳудудини кесиб ўтиши керак бўлади.

Ўзбекистон юритаётган очиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсати Марказий Осиё мамлакатларида қўллаб-қувватланмоқда. Қўшни давлатлар Ўзбекистоннинг ишонч ва яқин қўшнилик муҳитини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳоламоқда, Марказий Осиё давлатлари минтақани барқарор, хавфсиз, ҳамкорликда гуллаб-яшнаган маконга айлантиришга тайёрликларини изҳор қилмоқда. Бу эса минтақа давлатлари иқтисодиётларнинг тезкор тараққиётига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2017.-Б.86.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Тошкент, Ўзбекистон, 2022.-Б.112.
3. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари //Academic research in educational sciences.-2021.-Т.2.-№. 2.-Б.986.
4. Hamida A., Juraboy Y. COOPERATION IN CENTRAL ASIA AS A PRIORITY DIRECTION OF FOREIGN POLICY OF UZBEKISTAN //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal.-2021.-Т.9.-№. 12.-С.175.
5. Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Тошкент. “Фан”.2004.-Б.194.

6. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий-техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида) // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.-2022.-Т.2.-№.5.-Б.827.

7. ЎзР МДА.2653-фонд, 1-опис, йигма жилд 5105.-Б.138.

8. Ўзбекистон Республикаси ФА нинг жорий архиви // Ташқи алоқалар бошқармаси. Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 1999 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи 3-бет.

9. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан илмий-техникавий ҳамкорлиги. Educational Research in Universal Sciences (ERUS). Vol.1 No. 7 (2022).-Б.564.